



ISSN: 2181-9416

YURIST AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

HUQUQIY, IJTIMOIY, ILMIY-AMALIY JURNAL



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
e
LIBRARY.RU

ВОЯГА ЕТМАГАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАШДА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ЗОИРОВА Иродабегим Файзи қизи
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳоқаза
қилиш академияси докторанти
E-mail: irodabegim0206@icloud.com

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЗОИРОВА И.Ф. Вояга етмаган жабрланувчиларнинг қонуний манфаатлари таъминлашда тергов органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2025) С. 114–119.



3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-2-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда тергов органлари фаолияти самардорлигини ошириш масалалари таҳлил қилинган. Амалдаги қонунчилик ҳамда соҳа мутахассислари мулоҳазаларининг таҳлили натижасида, тергов жараёнларида аниқ, тизимли тартиб-қоидаларнинг мавжуд эмаслиги вояга етмаган жабрланувчиларнинг қонуний манфаатларини етарли даражада таъминланмаслилига олиб келаётган омиллар аниқланган. Филиппин, АҚШ ва Канада тажрибаси асосида болаларга мос, психо-эмоционал ҳолатни ҳисобга оловчи ёндашувлар ўрганилган. Халқаро стандартлар таҳлили асосида вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилиш учун маҳсус йўриқнома ишлаб чиқиш зарурати асосланган. Вояга етмаган жабрланувчиларни терговчилар томонидан сўроқ қилишининг замонавий ва самарали усулларига доир йўриқнома ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар келтирилиб, бундай ҳужжатнинг амалиётда қўлланилиши терговнинг самарадорлигини ошириш ва болалар ҳуқуқларини кафолатлашда мухим аҳамият касб этиди.

Калит сўзлар: бола, жабрланувчи, тергов, сўроқ, саволлар, манфаат, йўриқнома, самарадорлик.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СЛЕДСТВЕННЫХ ОРГАНОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ПОТЕРПЕВШИХ

ЗОИРОВА Иродабегим
Докторант Правоохранительной академии Республики Узбекистан
E-mail: irodabegim0206@icloud.com

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы повышения эффективности деятельности следственных органов в обеспечении прав и законных интересов несовершеннолетних потерпевших. В результате анализа действующего законодательства и мнений специалистов определены факторы, приводящие к недостаточному обеспечению законных интересов несовершеннолетних потерпевших вследствие отсутствия четких, системных процедур в следственных процессах. На основе опыта Филиппин, США и Канады изучены подходы, учитывающие психоэмоциональное состояние детей. На основе анализа международных стандартов обоснована необходимость разработки специальной инструкции по допросу несовершеннолетних потерпевших. Представлены рекомендации по разработке инструкции

о современных и эффективных методах допроса несовершеннолетних потерпевших следователями, применение которой на практике имеет важное значение для повышения эффективности расследования и обеспечения гарантий прав детей.

Ключевые слова: ребенок, потерпевший, расследование, допрос, вопросы, интерес, инструкция, эффективность.

ENHANCING THE EFFECTIVENESS OF INVESTIGATIVE BODIES IN ENSURING THE LEGAL INTERESTS OF JUVENILE VICTIMS

IRODABEGIM Zoirova

Doctoral student at the Academy of Law Enforcement
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: irodabegim0206@icloud.com

ANNOTATION

This article analyzes ways to increase the effectiveness of investigative bodies in safeguarding the rights and legitimate interests of juvenile victims. Through analysis of current legislation and expert opinions in the field, it was found that the lack of clear, systematic procedures in the investigative process leads to insufficient protection of minor victims' legal interests. Approaches that consider children's psycho-emotional state, based on experiences from the Philippines, USA, and Canada, were examined. The necessity of developing a special instruction for interrogating juvenile victims based on the analysis of international standards is substantiated. Recommendations are provided for developing instructions on modern and effective methods for investigators to interrogate juvenile victims. The practical application of such a document would be of great importance in improving investigative effectiveness and guaranteeing children's rights.

Keywords: child, victim, investigation, interrogation, questions, interest, guidelines, effectiveness.

Ўтган давр мобайнида жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мукаммал тизими яратилди. 2020 йилнинг 14 май куни давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун имзоланиши натижасида содир этилган ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтуб ўтказиш жараёни, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видеотасвир орқали қайд этиш шартлигининг қонуний асослари белгилаб берилди [1].

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада такомиллашиборасида ўз ечимини кутиб турган бир қатор долзарб масалалар ҳам борлигини қайд этиш жоиз. Вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида тергов органлари фаолиятида аниқ белгиланган тартиб-қоидаларнинг мавжуд эмаслиги тергов фаолиятининг самардорлигига салбий таъсир қўрсатмоқда.

Бу масалада соҳа мутахассисларининг фикрича, жабр кўрган шахсларни жиноят процессида ҳимоя қилиш механизmlарининг мукаммал ҳамда ишончли эканлиги муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан янада мустаҳкам алоқага киришишига, ишончли асосда ҳамкорлик қилишига олиб келади [2]. Дарҳақиқат, тергов органлари вояга етмаган жабрланувчилар билан ишлашда улар билан ижобий муносабатни шакллантириши лозим.

Тошкент вилояти суди раиси Дилшод Тожибоевнинг таъкидлашича, бу борада хато ва камчиликларга йўл қўйиш вояга етмаганларнинг руҳиятида салбий ўзгаришлар пайдо бўлишига, хусусан, вояга етмаган жабрланувчининг қайта виктимизацияга учрашига

сабаб бўлиши мумкин. Шу боис миллий қонунчиликда вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳ иштирокидаги ишларни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш маҳсус курсларда тайёргарлиқдан ўтган, маҳсус билим ва кўнилмаларга эга терговчи ёки судья томонидан амалга оширилиши белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади деб изоҳлаган [3].

Таҳлилимизнинг асосий мақсади тергов органларининг фаолиятининг ташкилий масалалари эмас, балки, вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида уларнинг терговни олиб борища самардорликни такомиллаштириш ҳисобланади.

Бу масалада, тадқиқотчи Э.Эргашевнинг фикрича бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва ИИВнинг тизимлаштирилган ҳуқуқий ҳужжатлари билан ўз вақтида ва лозим миқдорда етарли даражада таъминланмаганигини, шу билан бир қаторда, ички ишлар идоралари ходимлари маҳсус юридик адабиётлар, қонулларга берилган шарҳлар, маъмурий ва жиноят қонунчилигини қўллаш амалиётлари билан тўлиқ танишмаганигига намоён бўлишини изоҳлаган бўлса [4], А.Эралиев, ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ талабларига риоя этиши билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш заруратига тўхталиб, орган ходимларининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича қўйилган вазифаларни самарали амалга ошириши, хизмат вазифаларини бажаришга вижданан ва ҳалол муносабатда бўлишига туртки бўлувчи ахлоқ манбаларидан бири – касб этикаси кодексини қабул қилиниши лозимлигини таъкидалаган [5]. Шунга ўхшаш ҳолатда М.Ботаев ҳамда М.Муминов, тергов органлари фаолиятида иш юритишни соддлаштириш, терговчиларнинг процессуал ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш фаолиятини ягона тизимга солиш, иш юритишда зарур бўладиган ҳужжатларнинг ягона намуналарини ўзида жамлаган дастур ишлаб чиқиш ва уни мамлакатимизнинг барча худудларида қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослашган. Хусусан, уларнинг тавсияларига кўра, тергов органларида иш юритиш ва далилларни расмийлаштиришда ягона ёндашувга эришиш мақсадида “Терговчи” дастурини яратиш ҳамда унга процессуал ва бошқа ҳужжатларнинг шаклларини, жумладан “қарорлар”, “баённомалар”, “сўровномалар”, “маълумотномалар”, “хатлар” ва “ҳужжатлар” рукнларини киритиш, мазкур ҳужжатлар намуналарини тергов босқичларга боғлиқ процессуал ҳужжатларга ажратиш таклифини илгари суришган [6].

Таҳлилимизга кўра, Э.Эргашевнинг кўп ҳолларда ички ишлар органлари ходимларининг тегишли ҳуқуқий ва илмий манбалар билан таниш эмаслигига оид таҳлили ўринлидир. Шу жумладан, М.Ботаев ҳамда М.Муминовнинг тергов органлари фаолиятида ягона дастур орқали процессуал ҳужжатларнинг намуналарини яратишга оид таклифлари таҳлилимизнинг ечими ҳисобланади. Фикримизча, терговчиларнинг олдиндан белгилангандар тартиб-қоидаларга асосланган йўриқномага мувофиқ вояга етмаган жабрланувчилар билан тергов жараёнларини олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Процессуал ҳужжатларда мавжуд нормаларни таҳлил қилганимизда, иш юритувга оид процессуал ҳужжат намуналари келтирилган. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексга мувофиқ тергов ҳамда суд жараёнлари баённомалар орқали қайд қилиниб расмийлаштирилади. Масалан, мазкур кодекснинг 106-моддасида белгиланишича, сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши, кўрсатувлар баённомага биринчи шахс номидан, имкон борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилиликда қайд қилинишига оид нормалар мавжуд. Бироқ, ушбу қоидалар тергов жараёнларида вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда расмий хусусиятга эга бўлиб, терговчиларга вояга етмаган жабрланувчилар билан муносабатда айнан қандай қоидаларга риоя қилиш масалаларини белгиламайди. Фикримизча, бундай қоидалар

Жиноят-процессуал кодексида эмас, балки тергов органлари фаолиятини тартибга солувчи ички норматив ҳужжатларда акс этиши лозим.

Халқаро стандартларда болаларга нисбатан жиноятларни тергов қилишда маҳсус тартиб ва усуслардан фойдаланишининг муҳимлиги эътироф этилган. БМТнинг “Жабрланган болалар ва жиноят гувоҳлари билан боғлиқ ишлар бўйича одил судлов тўғрисида”ги йўриқномасининг 13-банди мазмунида вояга етмаган жабрланувчиларни ҳимоя қилиш, шу қаторда олинган далилларнинг сифатини ошириш мақсадида тергов органлари жабрланган болалардан аниқ ва ишончли маълумотларни олишга қаратилган усусларни акс этувчи сўроқ қилиш йўриқномаларига амал қилишлари лозимлиги белгиланган [7].

Бундан ташқари, вояга етмаган жабрланувчилар билан тергов жараёнларига доир Финляндия, Исландия ва Швециянинг жиноий одил судлов тизими тергов ҳаракатларида вояга етмаган жабрланувчиларнинг кўрсатувларни олишда Болалар саломатлиги ва инсон тараққиёти Миллий институти (The National Institute of Child Health and Human Development – кейинги ўринларда NICHD) баённомасига [8] асосланган усуслардан фойдаланадилар.

NICHD баённомасининг кўлланилишидаги асосий мақсад вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишда тўлиқ ва аниқ маълумот олиш учун далилларнинг мақбуллигига ижобий таъсир кўрсатишдир. Баённома болаларнинг хотираси ва кўрсатув бериш қобилияти ҳақидаги илфор кўнинмаларни бирлаштиради ҳамда хорижий давлатларда, асосан, жинсий ёки жисмоний зўравонлиқдан жабрланган болаларга нисбатан кўлланилади [9].

Хорижий мамлакатларда терговчиларнинг маҳсус йўриқномага асосланган ҳолда вояга етмаган жабрланувчилар билан фаолияти масалаларида тўхталадиган бўлсак, **Филиппин Республикасининг** 2000 йил 21 ноябрдаги № 004-07-СС “Гувоҳ болани сўроқ қилиш қоидаси” [10] тергов вақтида гувоҳ, жабрланувчи ёки айбланувчи сифатида иштирок этаётган вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишни тартибга солади. Ушбу қоиданинг асосий вазифаси ишончли кўрсатмаларни таъминлаш, болаларга етказиладиган руҳий жароҳатни камайтириб, уларнинг суд жараёнларида иштирокини кўллаб-кувватлаш ҳамда ҳақиқатни аниқлашдан иборат.

Қоиданинг умумий қисмида терговчиларга асосий тушунчалардан тортиб, таржимон тайинлаш, шахсий хуқуқлар ҳамда маҳфийликка оид хуқукларни таъминлашга оид маҳсус тартиб-қоидалар белгиланган. Қоиданинг иккинчи ва қолган қисмлари сўроқ жараёнига оид хисобланиб, терговчининг дастлабки ҳаракати вояга етмаган шахснинг ёши ва ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, унинг воқеаларни идрок этиш, эслаб қолиш ва ҳақиқатни ёлғондан ажратса олиш қобилиятини аниқлайди.

Канадада вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишга оид полиция ходимларига алоҳида йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб [11], терговчилар жиноятдан жабрланган болаларни сўроқ қилишда қуйидаги тавсияларга амал қиласидилар: хотира ёки кўрсатувларни нотўғри таъсиrlардан ҳимоя қилиш; кўркувга тушган ёки уялиб турган болаларнинг содир бўлган жиноят ҳақида маълумот беришлари учун зарур ёрдамларни кўрсатиш; болаларнинг ақлий ривожланишига мослашиш.

Бундан ташқари, йўриқномада савол турлари келтирилган бўлиб, қуйидаги кетма-кетлиқда вояга етмаган жабрланувчи билан сухбат амалга оширилади:

Очиқ – содир бўлган воқеа ёки ҳодиса ҳақида маълумот бериш, батафсил баён қилиш таклиф қилинади.

Махсус – саволни йўналтирадиган ёки тўғридан-тўғри маълум бир мавзу ҳақида сўраладиган саволлар.

Етакчи – илгари айтиб ўтилмаган маълумотлар юзасидан қўйиладиган саволлар.

Тавсия – муқобил жавобни англатувчи ёки ўз ичига олган саволлар.

Шу нуқтаи назардан **АҚШ** тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, 1997 йилда қонун чиқарувчи орган АҚШнинг Вашингтон штатида Давлат сиёсати институти томонидан жинсий

зўравонликка учраган вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, видеотасвирга олинган кўрсатувлар, бошқа штатларда ва мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган [12].

Бундан ташқари, 1999 йилда АҚШда ўтказилган тадқиқотларнинг бир қисми сифатида сўроқ қилишнинг асосий қисмида берилган саволлар ҳисоблаб чиқилган ва зўравонлик турлари бўйича таснифланган. Ушбу баҳолаш усули Майл Ламб ва унинг ҳамкаслари томонидан ишлаб чиқилган кодлаш схемасининг модификацияси ҳисобланади [13]. Мазкур модификация АҚШ полиция терговчилари учун вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноятларни тергов қилишда амалий қўлланма бўлиб ҳисобланади.

Қўлланманинг биринчи қисмида полиция ходимларига самарали сўроқ ўтказишнинг асосий тамойиллари келтириб ўтилган. Шунингдек, мазкур қисм асосий тушунчаларнинг таърифларини ҳам ўз ичига олади.

Қўлланманинг иккинчи қисмида полиция ходими сўроқнинг ҳар бир босқичида берилиши мумкин бўлган саволлар рўйхати билан таништирилади. Саволлар турлари қўйидаги таснифланган: воқеани эркин тасвирлаб беришга имкон берадиган саволлар; сўроқ қилинувчининг зўравонлик белгилари бўйича тушунтиришларига оид саволлар; зўравонликни аниқлашга оид аниқ йўналтирилган саволлар; илгари айтилган жавобни тўлдиришга қаратилган етакчи саволлар. Шунингдек, терговчи вояга етмаган жабрланувчи билан белгиланган тартибда мулоқотни амалга оширади.

Йўриқномада келтирилган саволлар турлари сўроқ қилиш баённомасида бирмабир тавсифланади ҳамда терговчининг вояга етмаган жабрланувчининг жавобларидан умумлаштирилган хуносаси келтирилади.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишни таъминлаш мақсадида хорижий тажрибаларга асосланган йўриқнома лойиҳасини ишлаб чиқишида бир қатор муҳим жиҳатларни ҳисобга олиш лозим. Ушбу йўриқнома болаларнинг ёш ва ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, уларга мослашган, психо-эмоционал хавфсизликни таъминлайдиган, асоссиз ва ёлғон маълумотлар олишнинг олдини оладиган, шунингдек, болаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиласиган сўроқ қилиш усулларини ўз ичига олиши керак.

Йўриқномага асосан болаларни сўроқ қилишда қўйидаги асосий мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши лозим:

- Болаларнинг психо-эмоционал саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларга нисбатан руҳий жароҳатларни олдини олиш.
- Болаларнинг ёш ва ривожланиш даражасига мослашган, ўринли саволлар орқали ҳақиқий маълумотлар олиш.
- Болаларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан бирор ноўрин хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

Йўриқномада болаларни сўроқ қилишда ишлатиладиган савол турларини аниқ белгиланиши лозим. АҚШ тажрибасида энг самарали деб топилган савол турлари қўлланилиши мумкин:

Йўриқномада болаларнинг ёш ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиш учун маҳсус тавсиялар бўлиши зарур, жумладан:

- ёш болаларга савол беришда уларнинг руҳий ҳолатини инобатга олиш ва уларга нисбатан босимлар ёки қўрқитишдан қочиши.
- кичик ёшдаги болаларга қисқа, аниқ ва содда саволлар бериш тавсия этилади.
- 14 ёш ва ундан катта болаларга саволлар ўзгарувчан ва мураккаб бўлиши мумкин, лекин ҳар қандай саволлар боланинг ривожланиш даражасига мос бўлиши лозим.

Йўриқномада қўйидаги чоралар кўрилиши лозим:

- сўроқ жараёнида болаларнинг шахсий маълумотлари ҳақида маълумот олиш чегараларининг аниқ белгиланиши;
- сўроқ жараёни видео ёки аудио ёзувлар билан тўлиқ ёзиб олинишида, шунингдек хонанинг жиҳозланиши масалалари белгиланиши;
- сўроқ жараёни бошқа иштирокчилари ёки мутахассислар ёрдамида олиб борилишининг тартиби белгиланиши лозим.

Йўриқномада болаларга ёрдам бериш учун маҳсус механизмлар уларнинг ёшига мос кўрсатмалар бериш учун аниқ ёрдамчи воситалардан (қўғирчоқлар, расмлар ва бошқалар) фойдаланиш тартиби кўрсатилиши зарур.

Шунингдек, мазкур йўриқномага асосан тергов жараёнларини олиб борища терговчилар вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишнинг замонавий ва самарали усувлари бўйича малака оширишлари ҳамда психололгар, педагоглар ва ҳуқуқшунослар билан биргаликда ишлаши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилиш учун ёшга мос, ҳуқукий асосланган, болаларнинг психо-эмоционал ҳолатини инобатга оладиган йўриқнома ишлаб чиқиши мухим аҳамиятга эга. Хорижий тажрибаларга асосланган тавсиялар, болаларни сўроқ қилишнинг замонавий усувларини ўзида жамлаган йўриқноманинг амалда кўлланилиши вояга етмаган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда мухим қадам бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-617-сон Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон // URL: <https://lex.uz/uz/docs/4812289>.
2. Улуғбек Ибрагимов, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди судьяси // URL: https://old.sud.uz/ccr_slider/guvoh-xabrlanuvchi-va-jinoyatdan-xabro-k/.
3. Дилшод Тожибоев, Жиноят ишини юритиш жараёнида вояга етмаганларнинг ҳимоясини янада такомиллаштириш зарурияти // URL: <https://old.sud.uz/2204-3/>.
4. Эргашев Э.У. Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқукий маданияти ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси. Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси: Республика илмий-амалий конференция тўплами / Масъул мұхаррир техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 256 б.
5. Эралиев А.Б. “Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш фаолияти самарадорлигини ошириш: тизимли таҳлил ва таклифлар”. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2021. — № 2 (49). Б 35.
6. Ботаев М.Дж., Муминов М.Э. “Далилларни процессуал расмийлаштириш жараёнини такомиллаштириш”. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2021. — № 2 (49). Б 57.
7. БМТнинг “Жабрланган болалар ва жиноят гувоҳлари билан боғлиқ ишлар бўйича одил судлов тўғрисида”ги йўриқномаси, 13-банд // URL: <https://www.un.org/en/ecosoc/docs/2005/resolution%202005-20.pdf>.
8. The National Institute of Child Health and Human Development (NICHD) Protocol // URL: <https://nichdprotocol.com/the-nichd-protocol/>.
9. Lamb ME, Orbach Y, Hershkowitz I, Esplin PW, Horowitz D. A structured forensic interview protocol improves the quality and informativeness of investigative interviews with children: a review of research using the NICHD Investigative Interview Protocol. *Child Abuse Negl.* 2007 Nov-Dec; 31(11-12) // URL: <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC2180422/>.
10. Ang batas noong 2004 sa paglaban sa karahasan laban sa Kababaihan at kanilang mga anak, blg // URL: <https://www.officialgazette.gov.ph/2004/03/08/republic-act-no-9262-s-2004/>.
11. Advanced Practice In Forensic Interviewing Of Children Training. The Canadian Child Abuse Association (CCAA) // URL: <https://ccaa.org/ccaa-training-forensic/>.
12. National Association Of Certified Child Forensic Interviewers // URL: <https://www.naccfi.com/>.
13. Michael Lamb, Margaret-Ellen Pipe, Yael Orbach, Craig B. Abbott, Heather Stewart. “Do Best Practice Interviews with Child Abuse Victims Influence Case Processing?”. 2006-IJ-CX-0019. November 2008 // URL: <https://www.ojp.gov/pdffiles1/nij/grants/224524.pdf>.

YURIST AXBOROTNOMASI
3-SON 5-JILD

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 3, ВЫПУСК 5

LAWYER HERALD
VOLUME 5, ISSUE 3

ISSN 2181-9416
DOI JURNAL: 10.26739/2181-9416